



24  
(1498)-son  
18-iyun  
2021

# Xabar


ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,  
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan [www.xabar.uz](http://www.xabar.uz)

## АКТ ВАЗИРЛИГИ ИШЧИ ГУРУҲИ АНДИЖОНДА

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шўҳрат Содиқов раҳбарлигидаги Ишчи гуруҳ 15 июн куни Андижон вилоятидаги соҳа қорхона, ташкилот ва муассасалари таркибий бўлинмалари фаолияти билан танишишни бошлади. Анъанага айланган мана шундай ўрганишларда эришилган ютуқлар билан бирга, муаммоли масалаларни жойида ҳал этишга ҳам катта эътибор қаратилади.



### УЧИНЧИ ТАШАББУС

### ФАРҒОНА ШАҲРИДА РТЎМ ОЧИЛДИ



2021 йил 17 июн. Бу кун Фарғона-Қувасой йўналишидаги мактаблар ўқитувчилари ва ўқувчилари ҳамда маҳаллалар аҳолиси учун унутилмас кунлардан бири бўлиб қолиши шубҳасиз. Шу кун "Ўзбектелеком" АҚ Фарғона филиалининг 43-АТС биносида Рақамли технологиялар ўқув маркази фаолият бошлади.

Марказнинг тантанали очилиш маросимида вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Файзулла Қосимов, IT-Парк директори ўринбосари Абдуаҳад Қўчқоров ва Фарғона филиали директори Баҳромжон Жалилов, Фарғона шаҳар ҳокими Мирзохид Убайдуллаев, АКТ вазирлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Юсуфбек Гафуров ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Иштирокчилар марказда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар ва ўқувчилар билан мароқли суҳбат қуриб, уларнинг орзу-умидлари ва мақсад-режалари билан қизикдилар. Айниқса, Бағдод туманидаги 30-умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси, One Million Uzbek Coders лойиҳасида Nanodegree гранти ёлиби Самандаржон Мазҳардинов билан мулоқот барчада катта таассурот қолдирди.

### Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!

## САМАРҚАНДА ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

2021 йилнинг 11-13 июн кунлари Самарқанд вилоятининг шаҳар ва туманларида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан "Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!" шиори остида Ёшлар фестивали - 2021 тадбирлари ўтказилди. Фестивал очилишида юриш марфонига старт берилган бўлса, кейин у веломарфонга улашиб кетди.



Фестивал доирасида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида филиал, вилоят ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси ташкилотчилигида Cyber sport, волейбол, "Ал-Хоразмий издошлари" IT танлови ҳамда информатика фанидан вилоятдаги умумий ўрта таълим мактаблари 10-11-синф ўқувчилари ўртасида вилоят ҳокими фан олимпиадасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

### ЖАҲОН ПЛАНШЕТЛАР БОЗОРИ

(2021 йил 1-ЧОРАГИ,  
ҚУРИМАЛААР СОТИШ СОНИ  
БЎЙИЧА КОМПАНИЯЛАРНИНГ  
УЛУШИ, ФОИЗ)

1. APPLE - 37
2. SAMSUNG - 20
3. LENOVO - 9
4. AMAZON - 9
5. HUAWEI - 5

■ БОШҚАЛАР - 20



Маъба: Counterpoint Research



## Харакатлар стратегияси

**Jumadan  
Jumagacha**




Президент Шавкат Мирзиёев 15 июн куни Бирлашган Араб Амириклари Ҳукумат ишлари бўйича вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Ғарғавий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда кўп қиррали Ўзбекистон-БАА муносабатларини янада кенгайтириш ва амалий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Муқобил энергетикани ривожлантириш ва энергетика объектларини модернизация қилиш, замонавий агросаноат кластерларини ташкил этиш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш учун инвестиция компанияси фаолиятини йўлга қўйиш бўйича лойиҳалар ҳамда қатор муҳим ижтимоий дастурлар изчил амалга оширилатгани алоҳида қайд этилди.

Жорий йилнинг 16 июнида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида олий таълим тизимидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Давлатимиз раҳбари олий таълимдаги ислохотларни амалга ошириш учун аввало ректорлар синфини шакллантириш зарур эканини таъкидлади. Таълим сифатини яхшилаш ва унинг барча жараёнларини бозор эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил этиш масаласи Олий таълим вазирлиги, ректорларнинг эътиборидан четда қолиб кетаётганини қайд этди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига таълим йўналишлари ва касблар рўйхатини тасдиқлаш, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш, олий ўқув юртлири бошқарувиغا малакали кадрларни жамлаш бўйича топшириқлар берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 июн куни Татаристон Республикаси Президенти Рустам Минниханов бошчилигидаги Россия делегациясини қабул қилди. Учрашувда талаб юқори бўлган саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзаро етказиб беришни кўпайтириш мақсадида кенг савдо-логистика тармоқини ривожлантириш зарурлиги қайд этилди. Яқинда қўшма "йўл харита"лари асосида муҳим йўналишлар бўйича амалий шериклик лойиҳаларини илгари суриш юзасидан келишувга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 17-18 июн кунлари Андижон вилоятида бўлди. Икки кунлик амалий ташириқ давомида Давлатимиз раҳбари вилоятдаги тўқимачилик, агросаноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолияти билан танишди, бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Матбуотда Ўзбекистон Президенти имзолаган "Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармон ҳамда "Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва "Аҳолининг jisмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлар эълон қилинди.



## 1 ← АКТ ВАЗИРЛИГИ ИШЧИ ГУРУҲИ АНДИЖОНДА

Навбатдаги ташириқ "Радионалоқа, радиоэшитириш ва телевидение маркази" ДУКнинг Андижон радиотелевидение узатиш марказидан бошланди.

Андижон шаҳар яқинидаги Бешбош адирлигида денгиз сатҳидан 892 метр баландликда жойлашган радиотелевизион станцияда 186 мертлик минора ўрнатилган. Бу ердан Андижон вилояти 100 фоиз, Фарғона вилояти 70 фоиз ва Наманган вилояти 60 фоиз телерадиоэшитириш дастурлари қамрови билан таъминланади.

Шунингдек, станциядан "Ўзбекистон", "Ёшлар", "Маҳалла" ва "Ўзбекистон 24" радиодастурлари ҳам узатилади.

Андижон радиотелевидение узатиш маркази мутахассислари Ишчи гуруҳга келгусида қилинадиган ишлар хусусида гапириб беришди.

– Зиммангизга юкланган вазифа ғоятда масъулиятли, – деди АКТ вазири Шуҳрат Содиқов марказ ходимлари билан мулоқот чоғида.

– Ҳар қандай шароитда ҳам аҳолига телерадиодастурларни сифатли узатиш муҳим. Бунинг учун сизларга зарур шароитлар яратилиб берилиши керак. Бу борада бор кучимизни аямаймиз.

\*\*\*

АКТ вазири Шуҳрат Содиқов раҳбарлигида Андижон вилояти бўйлаб хизмат сафарига бўлиб турган вазирлик Ишчи гуруҳи 17 июн куни Олтинкўл ва Балиқчи туманларида ташкил этилган Рақамли технологиялар ўқув марказларига ташириқ буюришди.

Дастлаб Олтинкўл туманидаги почта боғламаси биносида янги марказнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда АКТ вазирлиги Ишчи гуруҳи аъзолари, IT-Парк ва туман ҳокимлиги мутасаддилари, ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда туман ҳокими ўринбосари Фахриддин Парпиев ва IT-Парк директори Фарҳод Ибрагимовлар сўзга чиқишди. IT-Парк раҳбарининг алоҳида таъкидлашича, Андижон вилоятида дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар сони жуда кам. "Айти" соҳасига қизиқувчи ёшлар эса кўп. Қўшни Наманган вилоятининг деярли ҳар бир туманида IT-марказлар фаолият кўрсатмоқда. Андижонлик ёшларнинг айримлари ушбу соҳа бўйича Наманганга бориб ўқишмоқда. Шу сабабли бундай марказлар сонини кўпайтириш мақсад қилинган. Тадбир давомида мутасаддилар ёшлар, "айти" йўна-

лишида фаолият олиб бораётганлар тадбиркорлар саволларига жавоб беришди.

Иккинчи Рақамли технологиялар ўқув маркази шу куннинг ўзида Балиқчи тумани марказида жойлашган почта боғламаси биносида очилди. Шундай қилиб, Андижон вилоятидаги марказлар сони 14тага етди.

Тадбирда Балиқчи туман ҳокими ўринбосари Гўзал Ҳамидова сўз олиб, марказнинг очилиши бутун мамлакат бўйлаб давом этаётган "Ёшлар ойлари"га тўғри келганлиги эса қорларли воқеа бўлганини таъкидлади. Ҳоким ўринбосарининг айтишича, туманда 30 ёшгача бўлган ёшлар сони юз минг нафардан ошади. Марказ ёнида мусиқа ва ўрта таълим мактаблари жойлашган. Бу ўқувчиларнинг IT-марказда замонавий касблар бўйича таълим олишлари учун зўр имконият яратди.

IT-Парк раҳбари Фарҳод Ибрагимов мамлакатимизда дастурлаш, фрилансер, веб-дизайн сингари йўналишда таълим бераётган марказларнинг фаолияти тўғрисида гапириб, хотин-қизлар учун ҳам бу катта имкониятлар эшигини очишини айтди.

**А.АБДУРАҲМОНОВ**

Акмал КУДРАТОВ олган суратлар.

### УЧИНЧИ ТАШАБУС

## 1 ← ФАРҒОНА ШАҲРИДА РТЎМ ОЧИЛДИ

– Ўқувчиларимиз Марғилондаги IT-марказга қатнашарди. Яқингизимизда шундай ўқув маркази очилгани биз педагогик жамоа ҳамда барча ота-оналарни беҳад қувонтирмоқда, – деди шаҳардаги 9-мактаб директори Муҳаббатхон Шаропова. – Марказ ўқувчиларимиз таълим олишида катта аҳамият касб этишига ишонамиз.

Тадбирда сўз олганлар марказни ташкил этишда жонбозлик қилган мутасаддиларга, хусусан, "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали директори Владимир Ежков ва ходимларига алоҳида миннатдорлик билдиришди.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,  
"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири





Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!

# 1 ← САМАРҚАНДА ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

Олимпиадани АКТ вазирлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Дилмурод Хўжамбердиев очиб, мамлакатимизда ёшларга берилаётган эътибор, яратилаётган кенг имкониятлар, билим олишлари учун ажратилаётган имтиёзлар ҳақида гапириб, Cyber sport мусобақасида барча иштирокчиларга омад тилади. ТАТУ Самарқанд филиали директори Зайниддин Қаршиев эса ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсадга тўхталди. Шундан сўнг 500дан ортиқ спортчи иштирокидаги мусобақаларга старт берилди.

Ёшларнинг компьютер кўникмаларига эга бўлишига, уларнинг мантикий фикрлашига, интеллектуал салоҳиятига, келажақда дастурчи бўлиб етишишига замин яратувчи мусобақаларда 12 ёшдан 30 ёшгача бўлган иштирокчилар қатнашди. Мусобақанинг FIFA-20 йўналишида ТАТУ Самарқанд филиали компьютер инжиниринг факултети 1-босқич талабаси Абу-бакр Тоҳиров, Counter-Strike йўналишида Самарқанд шаҳар Саттело маскани ёшларидан ташкил топган Honey Lova жамоаси ҳамда DOTA 1 йўналишида ТАТУ Самарқанд филиали ва Беларус давлат информатика ва радиоэлектроника университети қўшма факултети талабаларидан ташкил топган жамоалар ғолиб бўлишди.

Фестивалнинг иккинчи кунини 10 ва 11-синф ўқувчилари ўртасида информатика фани бўйича “Вилоят ҳокимининг фан олимпиадаси” ғолиблари аниқланди. Унда 10-синф ўқувчилари ўртасида 1-ўринни Тайлоқ туманидаги 2-умумтаълим мактаби ўқувчиси Хилола Алиева, 2-ўринни Пахтачи туманидаги 39-умумтаълим мактаби ўқувчиси Диёра Хайруллаева, 3-ўринни Самарқанд шаҳридаги 9-умумтаълим



мактаби ўқувчиси Бехруз Алижановлар эгаллашди. 11-синф ўқувчилари ўртасида эса 1-ўринга Оқдарё туманидаги 47-умумтаълим мактаби ўқувчиси Бехзод Раҳимов, 2-ўринга Самарқанд шаҳридаги 45-умумтаълим мактаб ўқувчиси Далержон Саттаров, 3-ўринга Пахтачи туманидаги 19-умумтаълим мактаби ўқувчиси Алишер Акрамовлар муносиб деб топилди.

Шунингдек, спортнинг волейбол тури бўйича мусобақалар ғолиблари ҳам аниқланди. Унга кўра 1-ўринни Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети Самарқанд филиали жамоаси, 2-ўринни ТАТУ Самарқанд филиали жамоаси эгаллаган бўлса, 3-ўринни Тошкент давлат иқтисодий университетини Самарқанд филиали ва Самарқанд давлат университети жамоалари қўлга киритишди.

Ғолиб жамоа ва иштирокчиларга вилоят ҳокими ҳамда ТАТУ Самарқанд филиали раҳбарияти томонидан мукофотлар топширилди. Жумладан, 1-ўринга телевизор, 2-ўринга планшет ҳамда 3-ўрин соҳибларига ташқи қаттиқ диск

(HDD)лар билан бирга диплом ва сертификатлар тақдим этилди.

Информатика фан олимпиадаси ғолибларига мукофотларни Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари Қўлдош Саидов, Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети вилоят филиали директори Азамат Кураҳмедов ҳамда ТАТУ филиали директори Зайниддин Қаршиевлар топширишди.

Яна бир қувончли хабар, Ёшлар фестивали доирасида ташкил этилган “Энг ёш дастурчи” номинациясида ТАТУ Самарқанд филиали 4-босқич талабаси Аброр Ражабов ғолиб деб топилди, у вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов томонидан I даражали диплом билан тақдирланди.

Фестивал якунида эстрада хонандалари, санъат усталари ва ТАТУ филиалининг истеъдодли ёшлари иштирокида гала концерт ташкил қилинди.

**Абдуғафур ҲОТАМОВ,**  
ТАТУ Самарқанд филиали  
матбуот котиби

## САЙЁР ҚАБУЛ

### АКТ МУТАСАДДИЛАРИ ЯНГИҲАЁТ ТУМАНИДА

Бугунги кунда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини тезкорлик билан кўриб чиқиш ва фуқаролар муаммосини ҳал этиш мақсадида уюштирилаётган сайёр қабуллар муҳим аҳамият касб этиб, шу кунгача соҳа ходимлари томонидан фуқаролардан келиб тушган мурожаатларни ўз вақтида қонуний ҳал этиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси бошчилигида 2021 йил 15-17 июн кунлари Тошкент шаҳрининг Янгиҳаёт туманидаги Green parkда аҳоли учун долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш ҳамда уларни ҳал этиш юзасидан тезкор чоралар кўриш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида оммавий сайёр қабул ташкил этилди.

Сайёр қабулда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ўринбосари Ж.Маҳсудов, вазирлик ходимлари, вазирликнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси вакиллари ҳамда корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирок этди.

Таҳлиллар шунини кўрсатдики, сайёр қабулларда асосан сифатли интернет хизматларини жорий этиш, симли телекоммуникация инфраструктурасини ривожлантириш, оптик толали алоқа линияларини кўпайтириш ва интернет тармоғига уланиш билан боғлиқ масалаларда фуқаролардан аризалар келиб тушди. Эътиборлиси, кейинги йилларда мобил алоқа операторлари томонидан база станцияларининг ўрнатилиши, телесигналларни узатишда янги қурилмалардан фойдаланиш натижасида муаммоларга ечим топилмоқда.

Сайёр қабулдан сўнг ишчи гуруҳ ушбу ҳудудда жойлашган кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи фуқаролар билан юзма-юз учрашувлар ўтказилиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоблар берилди.

Тушган мурожаатларнинг аксарияти ишчи гуруҳ томонидан шу кунинг ўзида жойига чиққан ҳолда ўрганиб чиқилди ва алоқа тармоғидаги носозликлар бартараф этилди.

Шунингдек, ҳар бир мурожаат ўрнатилган тартибда назоратга олинди. Ўрганиш талаб қилинадиган масалалар бўйича ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш учун тегишли соҳа корхоналари раҳбарларига топшириқлар берилди.

**Н. ТУРСУНОВ,**  
АКТ вазирлигининг  
Тошкент шаҳар  
ҳудудий бошқармаси  
бошлиғи

## НАВОИЙДА “РОБОТЛАР ЖАНГИ”

Жорий йилнинг 16-18 июн кунлари Навоий вилоятида ташкил этилган “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида ўтказилган фестивал ҳам таассуротларга бой бўлди.

Вилоят ёшлари уч кун давомида дастур режасидан ўрин олган 40дан ортиқ турли танлов ва мусобақалар, тадбир ҳамда лойиҳаларда ўзлари қизиққан соҳа ва йўналишлар бўйича иштирок этишди. Жумладан, дастурнинг илк кунда режалаштирилган ҳамда ёшлар томонидан ихтиро қилинган самолётлар кўргазмаси ҳамда робототехника бўйича “Роботлар жанги”, робототехника кўргазмаси ҳамда мастер-класс ташкил этилди.

Ушбу тадбирда жами 2000дан ортиқ ёшлар иштирок этди. “Роботлар жанги”да ғолиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совгалари топширилди. Шунингдек, робототехникага қизиқувчилар учун ёш робототехниклар томонидан яратилган ишланмалар тўғрисида маълумотлар берилди.

Тадбирнинг иккинчи ва учинчи кунларида ҳам ёшлар учун янада қизиқарли лойиҳалар тайёрланди.

Ўз мухбиримиз





## Хориждаги ватандошлар

# МАДИНА ХОЛМАТОВА: “ҚИЗЛАРДАН ҲАМ КУЧЛИ IT-МУТАХАССИС ЧИҚИШИГА ШУБҲА ҚИЛМАЙМАН”

Хориждаги ватандошлар билан суҳбатларни давом эттирамиз. Бу галги суҳбатдошимиз Мадина 2019 йили Тошкентдаги ИНХА университетининг бакалавр босқичини тамомлаган. Ҳозирда Норвегиянинг Осло университети магистранти.

ҳаракатни бошладим. Хусусан, асосий эътибор Норвегия давлатига қаратилди.

Тўғриси айтсам, Скандинавия мамлакатлари ҳақида тоғамдан жуда кўп эшитганим учун, Норвегияда таҳсил олишни бакалаврлик вақтларимдан буён орзу қилганман. Энг катта сабаблардан бири бу – таълим олишнинг бепуллиги. Норвегияда таълим мутлақо текин, ўз фуқаролари ва чет элдан келган талабалар учун ҳам. Қолаверса, ўқиш сифати яхши ва дунё рейтингларида ҳам юқори ўринларда туради.

## Осло университети мамлакатда биринчи очилган олийгоҳ

Ҳозир Осло университетиде таҳсил оляпман. Олийгоҳ 1811 йилда ташкил топган ва Норвегиянинг энг биринчи очилган олий таълим муассасаси ҳисобланади. Университет Норвегияда таълим ва илмий тадқиқот бўйича биринчи ўринда ва дунё миқёсида “Топ-100” ликка киради. Илмий тадқиқотлар бўйича жуда кўп ютуқларга эришган, хусусан, беш нафар Нобел мукофоти совридорлари бор. 800дан

ортиқ инглиз тилидаги курслар ва 40дан ортиқ магистратура ва PhD йўналишлари мавжуд. Умуман, таълим сифати ва ўқиш шароитларига ҳавас қилса арзийди.

## Ойига энг ками 700-1000 АҚШ доллар сарфлайсиз

Саволингиздан келиб чиқиб айта оламанки, Норвегияда яшаш анчагина қиммат, талаба сифатида ойига энг ками 700-1000 АҚШ доллар сарфлайсиз. Талабалар ҳафтасига фақат 20 соат ишлаши мумкин. Шунинг учун бу ерда дуч келган энг катта қийинчиликларимдан бири иш топиш бўлди. Бакалаврни тугатибқоқ Норвегияга келганман ва менда ҳеч қандай иш тажрибаси бўлмаган.

Бу ерда networking жуда ҳам муҳим ва энг биринчи қилган ишим LinkedInда ахборот технологиялари соҳасидаги инсонлар билан боғланиш бўлган. Икки ой тинмасдан иш қидирганман.

Бошида кунига ўнлаб иш ўринларига топширар ва ўнлаб рад жавоблари олар эдим. Лекин тажриба бўлмаса ҳам, сиздаги салоҳиятга, ўрганиш хоҳишингизнинг кучлилигига

ишонадиган компаниялар ҳам бор. Икки ойдан сўнг Ослодаги энг катта IT-компаниялардан бирига амалиётчи сифатида ишга кирдим ва ҳозиргача шу ерда ишлаб келмоқдаман.

## Ўзгариш бир кунда содир бўлмайди

Ўйлашимча, юртимизда IT-соҳа ривожланишига ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Лекин ривожланишни секинлаштирувчи бир қатор омиллар бор. Албатта ўзгариш бир кунда содир бўлмайди. Шундай бўлса – да, ривожланишга ҳамма бирдек ҳаракат қилиши лозим.

Фурсатдан фойдаланиб, бир қатор таклифларни айтиб ўтмоқчиман. Мен ҳозир магистратурада “Тадбиркорлик ва инновация бошқаруви” мутахассислигида ўқийман. Шу боисдан Скандинавия давлатлари тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда “Стартап мактаблари”га кучли эътибор қаратиш ва ёшларга бу борада амалий муҳит яратиб бериш ахборот технологиялари соҳаси тараққиётига катта ёрдам беради, деб ўйлайман.

## Асосийси ўзингизга ишонишни ўрганинг

Ақсарият одамлар қизлардан кучли IT-мутахассис чиқишига шубҳа билан қарашади. Бу нотўғри тушунча. Шу нуқтаи назардан ёшлар, айниқса, қизлар ахборот технологияларига қизиқсалар, ҳеч ҳам ортга қайтмасликни маслаҳат бераман. Асосийси ўзингизга ишонишни ўрганинг. Ҳамма ҳам нолдан бошлайди. IT-соҳа жуда кенг ва қизиқ, имконингиз бўлса ҳар тарафлама тажриба орттиринг.

Университетда ўқиётганда фақат у ердаги фанлар билан чегараланиб қолманг. Имкон борича амалий кўникмаларингизни ошириш ва тажриба олишга интилинг. Бир сўз билан айтганда, тинимсиз меҳнат ва қатъий ирода ортдан албатта муваффақият қозонилади.

Шахсий режам ва ниятим келажақда нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳонда машҳур йирик IT-компания очуш.

Нурилло ТЎХТАСИНОВ  
суҳбатлашди



## Норвегияда таълим мутлақо текин

IT-соҳани танлашимга бир қатор сабаблар бор. Биринчи навбатда, болалигимдан аниқ фанлар ва информатикага қизиқишим юқори бўлган. Лекин айнан дастурлаш соҳасида ўқишим, ишлашим мумкинлигини кичиклигимдан тасаввур қилмагандим. Мен ўқишга топшироқчи бўлган йиллари Тошкентда Жанубий Кореянинг ИНХА университети очилганини эшитдим ва бир дўстим олийгоҳга биринчи қалдирғочлардан бўлиб кирган эди. У ердаги ўқиш сифатини эшитиб ва IT келажақ касби эканлигини ҳис қилиб, менда ҳам шу соҳада ўқишга хоҳиш уйғонди. Имтиҳонларга пухта тайёргарликлар ортдан ўқишга қабул қилиндим.

Очили, тўрт йиллик таҳсил даври соҳам бўйича билимлар олишга, янги дўстлар ва амалий тажрибалар оширишга имкон берди. Кейинроқ бакалаврни тамомлаб, магистратурани хорижда ўқиш учун





ВЗГЛЯД

## «БЕЛЫЙ» ИМПОРТ ТЕЛЕФОНОВ ПРОДОЛЖАЕТ РАСТИ. ПРИЧИНОЙ НАЗЫВАЛИ IMEI

В январе-апреле в Узбекистан завезли 628 885 мобильных телефонов на \$45,4 млн. сообщили в Государственном комитете по статистике.

Ввозят в основном из Китая — 422,1 тыс. На втором месте Вьетнам (72,9 тыс.), третьем Казахстан (63,5 тыс.).

Показатель 2021 года почти в два раза больше по сравнению с тем же периодом прошлого года, когда импортировали 399 568 телефонов.

Причем тут IMEI

В феврале 2020 года председатель редакционной коллегии журнала «Инфоком» (отраслевое издание Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций в сфере ИКТ) Александр Сучков писал, что отменять регистрацию по IMEI нельзя по ряду причин, среди которых — «серый» импорт:

«Многие годы в Узбекистане из-за отсутствия свободной конвертации процветал так называемый «серый» рынок техники и особенно мобильных устройств. По статистике завозилось и проходило таможенно всего несколько тысяч устройств, а по факту продавалось на рынке несколько миллионов в год», — отмечал он.



Автор обращал внимание на то, что из-за IMEI рынок становится легальным, что не нравится многим недобросовестным поставщикам «серого» рынка, которым закрыли возможности по контрабанде.

Александр Сучков признавал, что систему, тем не менее, надо оптимизировать. Это в дальнейшем подтвердили и многочисленные жалобы людей на то, что третьи лица регистрируют на их паспорта смартфоны без их ведома.

КОРОТКО

Американский стартап Ayar Labs показал первое в отрасли терабитное устройство оптического ввода-вывода с мультиплексированием по длине волны (WDM) для межчиповых коммуникаций. Так называемый «чиплет» TeraPHY оснащён восемью оптическими портами, не требующими упреждающей коррекции ошибок. Их общая пропускная способность составляет 1,024 Тб/с.

Стартап считает этот анонс важной вехой в обеспечении оптических соединений для приложений, требующих обработки больших объёмов данных, для межчиповых коммуникаций с низким расходом энергии, а также для новейших гетерогенных и дезагрегированных архитектур совместно упакованных чиплетов.

По итогам нынешнего года глобальный объём поставок смартфонов достигнет 1,4 млрд. устройств, — прогнозируют в Canalys. Относительно 2020 г., по итогам которого был зафиксирован спад в размере 7%, рынок ожидает рост в размере 12%.

Хотя потребительский спрос активно восстанавливается после связанного с пандемией провала, новым вызовом для индустрии аналитики называют ощутимую нехватку отдельных комплектующих. Одним из действенных двигателей рынка останутся 5G-смартфоны, за которыми в начальной четверти года оказалось уже 37% общих поставок.

Эксперты из World Semiconductor Trade Statistics (WSTS) представили майскую редакцию прогноза развития мировой полупроводниковой индустрии. Как сообщается, после увеличения выручки рынка по итогам 2020 г. в размере 6,8%, в 2021 г. ожидается усиление позитивных тенденций. В частности, в денежном выражении рынок вырастет в 2021 г. на 19,7% и достигнет в объёме 527 млрд долл. Наиболее весомый вклад, уже традиционно, внесут направления памяти (+31,7%), сенсоров (+22,4%) и аналоговых чипов (+21,7%). Ощутимый рост выручки также продемонстрируют сегменты, связанные с оптоэлектроникой (+9,8%) и продуктов на основе МОП-структур (+8,1%).

ПРИЛОЖЕНИЯ

## GOOGLE ЗАПУСТИЛ В УЗБЕКИСТАНЕ СЕЙСМОГРАФ ДЛЯ ANDROID. КАК ЕГО ВКЛЮЧИТЬ?

В августе 2020 года Google представила функцию оповещения о землетрясениях.

Ее сначала тестировали в Калифорнии, после чего запустили лишь в двух странах — Новой Зеландии и Греции.

В компании сообщили, что к ним добавились еще семь стран, среди которых есть и Узбекистан. В дальнейшем функция станет доступной во всем мире.

Что это такое и зачем нужно?

В случае стихийного бедствия или чрезвычайной ситуации на счету каждая секунда. Например, в случае с землетрясениями исследования показывают, что более 50% травм можно предотвратить, если пользователи получают раннее предупреждение и время для того,

чтобы добраться до безопасности.

В прошлом году Google приступила к созданию крупнейшей в мире сети обнаружения землетрясений на основе технологий, встроенных в устройства Android.

Все смартфоны оснащены кро-

шечными акселерометрами, которые могут определять сигналы, указывающие на землетрясение. Если телефон обнаруживает что-то похожее на землетрясение, он отправляет сигнал на сервер компании с приблизительным местоположением того, где произошли толчки.

Сервер объединяет информацию со многих телефонов, чтобы выявить, действительно ли происходит землетрясение, и, в случае необходимости, рассылает оповещения всем пользователям в этом регионе.

Как включить или выключить?

Надо зайти Settings > Location > Advanced > Earthquake Alerts. Требуется последнее обновление Android. Пользователи, которые не хотят получать эти предупреждения, могут отключить это в настройках устройства.




АВТО

## В УЗБЕКИСТАНЕ УЖЕ БОЛЕЕ 20 СТАНЦИЙ ДЛЯ ЭЛЕКТРОМОБИЛЕЙ

Количество зарядных станций для электромобилей в Узбекистане превысило 20, следует из данных PlugShare.

На момент этой публикации 14 станций установлено в Ташкенте, три в районе Чарвака, одна на перевале Камчик и еще три в Фергане. Для сравнения, ровно год назад в стране было три станции.


Инфраструктуру для электротранспорта создает не государство, а частный бизнес. К примеру, шесть станций установлены возле супермаркетов Макго — компания начала создавать свою сеть еще в феврале этого года. Еще несколько станций установили компании TokBot и MegaWatt.







## WINDOWS 11 ЧИҚИШИГА ИШОРА: MICROSOFT РАМЗИЙ ПОСТ ҚОЛДИРДИ



Microsoft компанияси 24 июнга мўлжалланган тадбирини тизер қилишни охириг ҳафталада авжига чиқарди: қизикроқ нарса тақдим этидиганга ўхшайди. Twitterда қолдирган охириги пости билан шунга ишора қилаётгандек.

Компания ўз аккаунтида мияга дам бериш зарурлигини ўқирган.

Расмдан "11" рақамини ўқиш ва ўқиш мумкин. Янги амалий тизим ҳақида гап-сўз йўқ, аммо бу бўлғуси Windows 11 тизери эмасмикан? Чунки Microsoft илгари ҳам бунга "сюрпризлар"ни кўп қилган.

Компания раҳбари Сатя Наделла яқиндагина Microsoft Windowsнинг яқин ўн йилликдаги энг муҳим янгиланишини таяёрлаётгани ҳақида сўз очганди.

## ХИАОМИ "АЙФОН"ГА ЎХШАШ ТЕХНОЛОГИЯЛИ ВА ЭКРАНОСТИ КАМЕРАЛИ СМАРТФОН ЧИҚАРАДИ

Таниқли инсайдер Digital Chat Station Xiaomi компанияси Xiaomi Mi 11 Ultraга ўхшаш янги флагман чиқаришини маълум қилди. Feta ёзишча, унда iPhone ва Samsung флагманларидати каби UWV (Ultra-wide band) технологияси қўлланилади.

UWB технологияси Bluetooth ўрнини

эгаллаб, қурилмалараро маълумотлар яхшироқ узатилишига хизмат қилади. Ultra-wide band йўқолган нарсаларни топишда ёрдам берувчи Li-FiTagда ҳам фойдаланилади.

Янги флагман экраности камерали бўлади. Смартфон қайси туркумга мансублиги хозирча номаълум. Катта эҳтимол билан у Mi 10Tнинг давомчиси бўлади.

## ЕРДАГИ ЭНГ БАДАВЛАТ КИШИ БИЛАН ФАЗОГА ЧИПТА НАРХИ АНИҚ БЎЛДИ

Илон Маск асос солган SpaceX хусусий ташкилотининг Crew Dragon кемасида амалга оширилаётган ilk фазовий саёхат иштирокчиларининг исмлари маълум. Аммо ундан ҳам олдин Blue Origin компанияси кимшодди савдоси орқали космосга чипта сотаётгани ҳақида ёзган эдик. Лекин яқиндагина...



Blue Origin ҳамда Amazon компаниялари асосчиси ва бош ижрочи директори, 57 ёшли Жефф Безос ушбу чиптани бегона қилмоқчи эмас – тадбиркор 20 июл кунги укаси билан бирга коинотта учинини эълон қилган эди. Улар билан бирга учини истаганлар учун учинчи чипта аукционга қўйилган эди ва энди унинг нархи аниқ бўлди.

Ilk фазовий сайёҳлик чиптаси учун

аукционда 159та мамлакатдан жами 7,6 минг қили қатнашган. TechCrunch нашрининг ёзишча, кимшодди савдосидаги якунловчи ставка қилиниб, тадбир якунланган. Унга кўра, фазога чиптанинг якуний нархи 28 миллион долларга тенг бўлди.

Таъкидлаб ўтиш керакки, Blue Origin компаниясининг фазо кемаси ушбу парвозда Ер юзасидан 100 километр юқорида учди. Шу тариха, биринчи космик сайёҳ суборбитал маконгача чиқиб келади. SpaceX эса биринчи фазовий саёхатчиларни Халқаро космик станциягача олиб бормоқчи, кейинроқ эса Марс сайёрасига ҳам учини режалаштирган. Илон Маск яқинда бир интервьюсида, Марсга учадиган ilk фазогирларнинг машъум тақдирини прогноз қилган. Унинг ўзи бўлса...

## ТУГМАЛИ ЭНГ АРЗОН ТЕЛЕФОНЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Nokia бренди остида 4G технологиясини қўллаб-қувватлайдиган энг арзон телефонлар тақдим этилди.

Иккала янги моделнинг ўзига хос жиҳатларидан бири — 4G VoLTE тармоқларида юқори аниқлиқда овозни узата олиш имконияти.

Икчам Nokia 105 4G моделига 1,8 дюймлик QQVGA (120x160 пиксел) экран ва сизими 1020 мА/соатга тенг аккумулятор ўрнатилган. Шунингдек, фонар ва FM-радио ҳам мавжуд. Меню ва шрифтларни катталаштириш, шунингдек, экрандаги матнлар ва фойдаланувчи ҳаракатларини овоз чиқариб ўқийдиган функциялари ҳам мавжуд.

Nokia 105 4G нархи 37 долларни ташқил этади.

Nokia 110 4Gнинг эса функциялари кўпроқ: камера, фонар, классик ўйинлар, интернет, FM-радио (наушниклар билан ва улариш ҳам ишлай олади), видеоплеер, шунингдек, MP3-плеер ва 32 гигабайтгача MicroSD хотирасини қўллаб-қувватлаш. Қолган жиҳатлари билан у Nokia 105дан фарқ қилмайди.

Nokia 110 4G моделининг сариқ, қора ва феруза ранглари 41 долларга харид қилиш мумкин.

## ҚОНДАГИ АЛКОГОЛ МИҚДОРINI ЎЛЧАЙДИГАН ЯНГИ ҚУРИЛМА ЯРАТИЛДИ

Токио тиббиёт ва стоматология университети олимлари алкотестерга ишончли муқобил сифатида инсон қўлқўларидан фойдаланиш вариантини кўриб чиқди.

Маълум қилинишича, инсон қўлқўларининг териси этанолни кўлдан кўра кўпроқ ажратди, балки унинг таркибиде тер безлари ҳам нисбатан кам. Бундан хабардор тадқиқотчилар олдий наушникларни модификация қилишга киришган.

Олинган тақрибга тизимида филтрланган ҳаво шланг орқали юқоридаги тепшикка ўтувчи муфтларнинг бирита ҳайдалади. Ушбу ҳаво кулқини ўраб турган герметик камера орқали айлиниб, ажралётган этанолни йиғида, сўнг муфтадан шланг орқали паства сўради.

Пастки шланг эса биосниффер номли алоҳида қурилмага элтади. Ультранафша нур билан "кўзгагишганда" ушбу биосниффердаги датчик газсимон этанол концентрацияси интенсив флуоресценсияниқидан юқори бўлади.

Лаборатория синовларида наушниклар маълум миқдорда алкохол маҳсулотини ичган уч нафар кўнилли эрикка тақилган. Кейинги 140 дақиқа ичдидаги мунтазам интэрваллар орқали қондаги алкохол миқдори наушниклар ва олдий алкотестер ёрдамида ўлчанган. Иккала қурилмалардаги қўрсаткичлар бир хил бўлиб чиққан.

Эндиликда технологияни янада ривожлантириш мақсидида алкотестерларга муқобил сифатида, шунингдек, теридан турли касаликларга боғлиқ равишда ажраладиган газларни аниқлашда фойдаланиш мумкин.



## Халқаро ҳаёт

Бундан ташқари, Украина, Сурия мижорларидаги турли ёндашув ҳам вазиятни кескинлаштирмоқда.

## РОССИЯДА НОҚОНУНИЙ ЮРГАН МИГРАНТЛАРНИНГ ҚОЛИШ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

Россия президенти мамлакат ҳудудида ноқонуний бўлиб турган меҳнат мигрантларига 2021 йилнинг 30 сентябрга қадар ўз мақомларини қонунийлашти-



ришга рухсат берувчи тегишли фармонни имзолади. Бу ҳақда Россия президенти матбуот хизмати хабар берди.

2021 йил сентябр ойининг охирига қадар чет элликларга нисбатан маъмурий равишда чиқариб юбориш, депортация қилиш, вақтинча қолиш муддатини қисқартириш, қочқинлик мақомидан

махрум қилиш, вақтинчалик бошпа-на бериш, илгари берилган визаларни бекор қилиш, ишлашга рухсатнома ва патент бериш тўғрисида қарорлар қабул қилинмайди.

Шундай қилиб, ўтган йилнинг 15 мартга қадар Россияга келган ва 2021 йил 16 июндан бошлаб мамлакатда бўлиш учун қонуний асосларга эга бўлмаган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Россия Ички ишлар вазирлигининг ҳудудий органларига 30 сентябрга қадар мурожаат қилишлари шарт.

Хужжат билан, шунингдек, чет элликларга агар шахсини тасдиқловчи хужжатлар муддати 14 мартдан кейин тутаган бўлса, улар асосида ўз ватанига чиқиб кетишга рухсат берилади.

## ИСРОИЛДА ЯНГИ КУЧЛАР ҲОКИМИЯТГА КЕЛДИ

Исроил парламенти янги ҳукумат таркибини тасдиқлади. Унга кўра "Ямина" партияси раҳбари Нафтали Беннет мамлакатнинг янги бош вазирга айланди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги 12 йилда (2009) ҳуқиронлик қилиб келган "Ликуд"

партияси лидери Биньямин Нетаняху ilk бор ҳоқимиятдан четлатилган.

Парламентда овоз бериш қизгин ўтган: 60 киши янги ҳукумат учун овоз берган бўлса, 59 депутат қарши чиққан. Келишувга кўра, икки йилдан сўнг Беннет ротация шаклида вазифасини Яир Лапидга топширади.

## ШИМОЛИЙ КОРЕЯНИ АЯНЧЛИ ОЧАРЧИЛИК КУТМОҚДА

КХДР партияси Ким Чен Ин Корей Меҳнат Этарқиси Марказий қўмитасининг пленумида нутқ сўзлар экан, мамлакатга аянчли очарчилик хавф солаётгани ҳақида эълон қилди.

"Ўтган йилги тайфун оқибатлари туфайли ғалла етиштириш режаси бажарилмади ва шу сабабли, хозирги пайтда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда кескин муаммолар мавжуд", - дейилади Шимолий Корей раҳбари тилидан.

Ким Чен Инга кўра, коронавирус туфайли КХДРда жорий қилинган карантин чораларининг узайтирилиши "аҳолини кийим-кечак, озиқ-овқат ва уй-жой билан таъминлаш учун курашнинг қўзилишига олиб келди".

Эслатиб ўтамиз, ўтган асрнинг 90-йилларидаги иқтисодий инқироз ҳам мамлакатда қаттиқ очарчиликка сабаб бўлганди.



## ПУТИН ВА БАЙДЕН ЮЗМА-ЮЗ УЧРАШДИ

АҚШ президенти Жо Байден ва Россия президенти Владимир Путин Женевада учрашди.

"Биз ушбу учрашувдан катта натижаларга эришишни кутмаёмиз", - деди АҚШнинг юқори мартабали амалдорлари журналистларга.

"Мен бирон бир келишувга эришишига амин эмасман", - деди Путиннинг ташқи сиёсат бўйича маслаҳатчиси Юрий Ушаков ҳам.

Эслатиб ўтамиз, сўнгги йилларда АҚШ-Россия муносабатлари энг қуйи поғонага тушиб кетган. 2014 йил Крымнинг қўшиб олинишидан бошланган совуқ муносабатлар, Навалнийнинг захарланиши, киберхужумлар фониде янада ёмонлашиб борди. Ҳар икки мамлакат ўз элчиларини қақриб олди.

## ЭЪЛОНЛАР!

■ ЎзДЖТУ томонидан 2017 йилда Жуманиёзов Акбар Қахрамоновичга берилган В № 927061 рақамли Диплом (руйхатга олиш рақами 1517/17) йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

■ ЎзДЖТУ томонидан 2011 йилда Сайдахмедова Дилобархон Уткировнага берилган В № 570230 рақамли Диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

■ Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги 262-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1996 йилда Джураев Айбек Алиевичга 9 йиллик ўрта таълим тўғрисида берилган № 150042537 рақамли Шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

■ ЎзДЖТУ томонидан 2014 йилда Сайдахмедова Дилобархон Уткировнага берилган М № 076273 рақамли Диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 21 декабрдаги 205-ф-сонли фармойишига асосан "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди ҳисоб рақамига 2021 йил 9 июнда "Ўзбектелеком" АК томонидан 50 000,0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушди. Мазкур маблағ "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2021 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.



## ФАХРИЙЛАР — ФАХРИМИЗ

# “КАСБИНГИЗНИ МЕН КАБИ СЕВИНГ”

Лолахон НАМОЗОВА,  
Риштонлик фахрий алоқачи:

**7май** — Алоқачилар куни муносабати билан ташкил этилган тантанادا ўтирар эканман, соҳага илк кириб келган кунларим хаёлимдан кино лентасидай бир-бир ўтди. Бошлиқ Ўктамжон ака Усмонов ҳақида кўп эшитгандим. Бутун туман аҳли хурмат қиладиган инсоннинг жуда ҳам оддий, кичиккўнгил одамлигини кўриб хайратда қолганман. Эндигина мактабни тугаллаганману мен билан худди катталар билан гаплашгандек суҳбатлашди. Менга ўқитганларининг мазмуни қуйидагича эди: ишга қабул қилиш синовларидан ўтсангиз бас, иш ўргатишади. Тўғрисиўзлик, хушмуомалалик фазилатлари сизда бор. Кўриниб турибди. Бироқ телефонисткага яна кўп сифатлар керак бўлади. Сиз уларни устозларингизни қузатиб, уларга қулоқ тутиб ўрганиб оласиз.

Синовлардан муваффақиятли ўтдим. Худди олий ўқув юртига киргандай бахтиёр эдим. Лекин, рости, дилимда бироз хиралик бор эди. Ахир мактабдаги Жалилов устозимга нима дейман? Устоз “Сен журналист бўл. ТошДУнинг журналистика факултетига кир. Сендан зўр журналист чиқади”, демаганмиди? Бироқ нима ҳам қилай. Тошкент олис. Уйда бўлса, йўл кирага ҳам маблағ бўлмаса... Бош фарзандман. Отамнинг ёнига киришим, укаларимни оёққа қўйишга кўмаклашишим зарур эди.

Хуллас, энди таваккал қилишдан ўзга чорам йўқ. Қатъий аҳд қилдим: Шу касбга ёпишаман. Шундан барака топаман. Синов учун олти ой муддат берилганди. Уч ойдаёқ синовдан ўтдим. Ишга бошим билан шўнғиб кетдим. Опамдай бўлиб қолган устозларимга раҳмат. “Жуда тезкор, эпчил, ҳозиржавоб, айниқса, нутқи равонлигини, ўзбек, тожик, рус тиллари билади, зукколарча жавоб беришларини айтмайсизми” деган мақтовларга муяссар бўлдим. Бунинг учун ўз жигаридек кўриб, бошимни силаб иш ўргатган Энахон опа Ҳожиевадан жуда миннатдорман. Турғуной опа Дадабоева, дугонам Саодатхон Ўрмоновалардан ҳар қанча миннатдор бўлсам ҳам оз. Уларни ардоқладим, яхши кўрдим. Менимча, шунинг учун ҳам кам бўлмадим. Яратганга беҳисоб шукрки, ўша даврдаги раҳбаримиз раҳматли Ўктам ака Усмоновда, Фаргона алоқачилар онахони, дуоғўй Энахон опада, бутун жамоода ўз “университет”ларимни кўрдим, десам, ишонаверинг. Улардан мен нафақат касбни, балки ҳаётни, одамларни, мижозларни севишни ҳам ўргандим. Энди ТошДУ журналистика факултети талабаси эмасманку, деган армон туйғулари мени батамом тарк

этганди. Қолаверса, Риштон туман газетаси таҳририяти қошида очилган “Журналистика халқ университети”да ўқидим. Қатор мақолаларим билан туман газетасида чиқишлар қилдим. Ўзимни энг қийнаган, ўйлантирган мавзуларни кучим, салоҳиятим етган қадар ёритдим...

Ишда камолотга, саодатга эришдим 32 ёшимда турмуш ўртоғим Замиржон Исоқовдан айрилиб қолдик. Раҳматли ажойиб муҳандис бўлиб танилган, меҳрибон ота эди. Сардорбек билан Камоланонни ўзим катта қилдим. Солиҳ инсонлар қилиб қаторга қўшдим. Бунда менга мадад бўлган ишхонамга, меҳнат жамоамга ҳар қанча раҳмат айтсам, шунча оз. Ўтган ҳамкасбларимизнинг жойлари жаннатда бўлсин, қолганларининг умрини зиёда қилсин, илоҳим. Ёшларимиз соҳамизни гуллаб-яшнагимиздан чарчамасинлар.

Ўрни келганда яна бир фикр-ни айтиб ўтгим келади. Бизнинг давримизда, биласиз, асосан кўл меҳнати бўлган. Қолаверса, хотирамиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Тумандаги, вилоятдаги телефон рақамларини қўя туринг, Ўзбекистонимизнинггина эмас, бутун собиқ иттифоқ вилоятлари, ҳатто туманларининг кодларини ёддан билардинг. Мияга ўрнашиб қолардида. Като-лог варақламасдик. Эшитимизча, бугунги кунда ҳаммаси компютерда. Оппа осон экан. Майли, бу ҳам давр тақозоси. Бироқ ёшларга айтардимки, эҳтимол сизлар ҳам зарур рақамларни, маълумотларни ёддан биларсизлар. Янада ва янада хотираингизни мустаҳкамлашга ғайрат қилинг, компютергамас, ўзингизга ишонинг. Касбни, ҳаётни, одамларни, биродарларни мен каби севинг, деган бўлардим. 33 йил ҳам телеграфчи, ҳам телефонистка бўлиб ишладим. 14 йилки, фахрийликка чиққандан буён ишимни, ишхонамни ўйламаган, кўмсамаган куним йўқ.

Ишхонам мен учун сажда-бўлган ва шундайлигича қолмоқда. Шунинг шарофати бўлса керак, мана, айни дамда, ўзингиз гувоҳ бўлиб турибсиз, иззат-икром хузурини бошимдан кечириб, беадад шукронаи неъматда ўтирибман. Бизга, 80 нафар фахрийга, тўқин дастурхонлар тузаб, меҳру эътибор кўрсатилганидан, ҳадылар билан мукофотланганларидан беҳад шод, бахтиёримиз. Икки йил мобайнида 400 нафар фахрийни йўқлаган, кўнгилларини обод айлаган “Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали ҳамда касба уюшмаси кўмитасининг эзгу ишлари, савобли ишлари бардавом бўлаверсин.

Ҳафиза САЛЯҲОВА  
ёзиб олди

## СПОРТ



## ФУТЗАЛ БЎЙИЧА КЎЧМА КУБОГИ СПОРТ МУСОБАҚАСИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Спорт – соғлиқ гарови. Шу боис АКТ соҳасидаги корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари, айниқса, ёш мутахассислар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оммавий спорт турларини янада оммалаштириш борасида қатор спорт мусобақалари ташкил этиб келинмоқда.

Жумладан, соҳа ходимларидан тузилган терма жамоалар ўртасида мини-футбол (футзал) бўйича кўчма Кубок учун республика мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва юқори савиёда ўтказилишини таъминлаш ҳамда мазкур мусобақа таъсис этилганлигининг 20 йиллигини муносиб нишоллаш юзасидан, Ташкилий кўмита аъзоларининг билдирган фикр-мулоҳазалари асосида, 2021 йилнинг 7 июнида қарор қабул қилинди. Қарорга кўра, соҳа терма жамоалари ўртасида мини-футбол бўйича кўчма Кубок учун республика мусобақаларининг саралаш ўйинлари жорий йилнинг июн-июл ойларида карантин талабларига қатъий амал қилинган ҳолда ҳудудлараро ўтказилиши белгиланди.

Терма жамоа таркиби тасдиқланган Низом асосида ҳудуддан камидан учта корхонадан бўлиши ҳамда мусобақанинг “Саралаш” ўйинлари Урганч (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти жамоалари), Навоий (Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари жамоалари), Қарши (Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари жамоалари), Фарғона (Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари жамоалари), Жиззах (Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилояти жамоалари), Тошкент (Ўтиш турнирида шаҳарнинг 16та жамоаси, саралаш турнирида 8та жамоа) шаҳарларида ўтказилиши белгиланди.

Кўчма Кубок учун якуний республика мусобақаси 2021 йил август ойида ҳамда 11 ноябр – Ўзбекистон касба уюшмалари кунинда Тошкент ахборот технологиялари университети спорт залида ўтказилади.

Азиз алоқачилар, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг футзал бўйича кўчма кубоги спорт мусобақаларида фаол иштирок этинг!

Ташкилий кўмита

## ЭМММ ХОДИМЛАРИ ЎРТАСИДА СТОЛ ТЕННИСИ ТУРНИРИ ЎТКАЗИЛДИ



“Электромагнит мослашув маркази” ДУКнинг спорт режасига асосан, ходимлар ўртасида оммавий спортни янада ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш мақсадида спортнинг стол теннис бўйича эркалар ва аёллар ўртасида мусобақа ташкил этилди.

Кизгин ва кўтаринки кайфиятда ўтган мусобақада 21 нафар корхона ходими қатнашди. Беллашув натижаларига кўра, эркалар ўртасида Жамшид Тошпўлатов 1-ўринни эгаллади. Рустам Ғаниев 2-ўринга, Бобур Обидов 3-ўринга сазовор бўлди.

Аёллар ўртасида эса Фарангиз Файзиева биринчи бўлиш nasib этди. Азиза Қудратова билан Дурдона Шерматова иккинчи ва учинчи ўринларни бўлишиб олишди. Голиблик шохсупасига кўтарилган иштирокчилар корхонанинг фахрий ёрлик ва қимматбахо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ўз мухбиримиз



■ Реклама ва эълонлар



UZTELECOM

GSM / CDMA



## MyUZTELECOM mobil ilovasi orqali YANADA KO'PROQ BONUSLARga ega bo'ling!

AppStore uchun

GooglePlay uchun



Aksiya 31.08.2021 gacha amal qiladi. "O'zbektelekom" AK xizmat ko'rsatadi. Xizmatlar litsenziyalangan

# Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

**Бош мухаррир:**  
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Таҳрир Хайъати:  
Шухрат СОДИҚОВ (Хайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,  
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ,  
Лутфулло ТУРСУНОВ (Бош мухаррир ўринбосари),  
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ (Масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.  
Муаллифнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлиниши мумкин.  
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar" дан олинганлиги кўрсатилиши шарт

Газета саҳифаларини тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилди.  
Баҳоси келишилган нархда.

### МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри,  
Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй  
(Мулжал Олой бозори).  
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31.  
Факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер  
базасида терилди ва саҳифаланди.  
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.  
Навбатчи: Шоҳида ИСРОИЛОВА.



Газета Ўзбекистон матбуот ва  
ахборот агентлиги томонидан  
0016 рақами билан 2013 йил  
23 июлда рўйхатга олинган.

Газета  
ҳафтанинг  
жума куни  
чиқади

Газета "Ўзбекистон" нашриёт матбаа  
уйи босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри,  
Навоий кўчаси 30-уй.

V 4723 сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми  
2 босма табоқ. **Адади:** 5768

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 17.00  
Босишга топшириш вақти — 24.00

Вилоят  
мухбирлари:

Андижонда  
(74) 226-47-80

Бухорода  
(99)854-7305

Жиззахда  
(94) 199-95-64

Наманганда  
(91) 353-71-25

Навоийда  
(79) 225-91-10

Нукусда  
554-35-45

Самарқандда  
(91)557-84-44

Термизда  
(99)508-30-52

Тошкентда  
234-18-59

Урганчда  
(97) 211-65-05

Фарғонада  
(73) 244-18-05

Қаршида  
(93)931-08-99